



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

6 (68) 2024

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

6 (68)

2024

Июнь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.05.2024, Accepted: 02.06.2024, Published: 10.06.2024

УДК 616.311.2-002(053.2)

ТАЛАБАЛАР ОРАСИДА КАТАРАЛ ГИНГИВИТЛАРНИНГ КЛИНИКО МОРФОЛОГИК ХАРАКТИРИСТИКАСИ

Бабаджонов Р.А. <https://orcid.org/0000-0009-6615-3775>

Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

Бабаджонов А.Р. Email: BabadjanovA@mail.ru

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84. E-mail: info@urgfiltma.uz
“Маъмун университети” Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ховуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Тақдим қилинаётган мақолада Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг стоматология факультети талабалари орасида танламасдан ўтказилган текширувларнинг натижалари баён қилинган бўлиб, кўриқдан ўтказилган 370 нафар талабаларидан 120 нафар талабада катарал гингивит аниқланди ва улардан 25 нафари тадқиқот учун ажратиб олинди, 2 гуруҳга 25 нафар соғлом талаба назорат гуруҳи учун танланди, 1 гуруҳ талабаларига 2 ой давомида азот оксиди тавсия қилиниб, унинг таъсири ўрганилди. Натижалар цитоморфометрик ва лазер доплер флоуметрияси орқали баҳоланди.

Калит сўзлар: катарал гингивит, азот оксиди, оғиз бўшлиғи гигиенаси.

КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА КАТАРАЛЬНОГО ГИНГИВИТА У СТУДЕНТОВ

Бабаджонов Р.А. <https://orcid.org/0000-0009-6615-3775>

Юлдашев Б.С. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

Бабаджонов А.Р. Email: BabadjanovA@mail.ru

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28
Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz
«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2. телефон: +998(90)431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

В представленной статье приведены данные без выборочно проведенного осмотра среди 370 студентов стоматологического факультета Ургенчского филиала Ташкентской медицинской академии, где было обнаружена у 120 студентов катаральный гингивит, из них 25 студентов билқ оторанқ для исследования, 2 группу составили здоровые 25 студентов для контроля. 1 - группа получала лечения оксидом азота в течение 2-х месяцев, были изучены воздействие этого средства. Полученные данные были оценены при помощи цитоморфометрии и лазерной доплеровской флоуметрии.

Ключевые слова: катаральный гингивит, оксид азота, гигиена полости рта.

CLINICO-MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CATARAL GINGIVITIS AMONG STUDENTS

Babajonov R.A. <https://orcid.org/0000-0009-6615-3775>

Yuldashev B.S. <https://orcid.org/0009-0006-6954-49-48>

Babajonov A.R. Email: BabadjanovA@mail.ru

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84. E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ **Resume**

The presented article presents data from a random examination among 370 students of the dental faculty of the Urgench branch of the Tashkent Medical Academy, where catarrhal gingivitis was found in 120 students, of which 25 were thoracic students for the study, group 2 consisted of healthy 25 students for control. Group 1 received treatment with nitric oxide for 2 months, and the effects of this drug were studied. The data obtained were assessed using cytomorphometry and laser Doppler flowmetry.

Key words: *catarrhal gingivitis, nitric oxide, oral hygiene.*

Долзарблиги

аҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг илмий гуруҳи маълумотларига қараганда (1998 й) 25-19 ёш гуруҳлари орасида пародонтнинг касалланиши жуда юқори кўрсаткичларга эга бўлиб (99%) уларнинг орасида яллиғланиш касалликлари катта ўринни эгаллайди. Яллиғланиш касалликлари ўртасида энг кўп кузатилаётган касаллик ўсмирлар орасидаги гингивитдир (Гнетова И.В. - 1999., Гречихина Г.А., -1996).

Цивилизация ривожланиб бориши асносида пародонт касалликлари ортиб бориши кузатилмоқда: Новосибирск шаҳридаги мактаб ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики сурункали катарал гингивит 15-18 ёшдаги ўсмирлар ўртасида жуда кўп учраб 89-96% ни ташкил қилган, энг кўп қайд қилинган клиник белги эса 81,7% ҳолатда учраган тиш тошларидир (Грудянов А. И., 1998).

Бутун дунёда катарал гингивитларни ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинганига қарамадан муаммо долзарблигича қолмоқда, шундан келиб талабалар орасида бу текширувни ўтказиш кизиқиш уйғотади.

Илмий ишнинг мақсади: Ўз олдига шу касалликлар билан оғриган беморларни даволашни мақсад қилиб қўйган талабалар орасида катарал гингивитларнинг учраш даражасини аниқлаш, даволашдан кейинги морфологик ўзгаришларни ўрганиш .

Материал ва усуллар

Материал бўлиб Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг стоматология факультети талабалари орасидан танламасдан текширувдан ўтказилган 350 нафар талабанинг текширув материаллари олинди.

Биринчи навбатда 350 нафар талабалар орасида клиник текширувлар ўтказилиб, улардан анамнез йиғилиб шикоятлари, касаллик муддатлари ўрганildi, бошдан кечирилган ва йўлдош касалликлар аниқланди. Ташқи кўрик тугаллангандан кейин оғиз бўшлиғининг ҳолати инструментал ўрганилиб, унинг рангига, шиллик қават намлигига, оғиз бўшлиғининг кириш жойи чуқурлигига эътибор қаратилди. Тиш қаторлари мослиги, тишларнинг тиш ёйида жойлашиши, тремлар, дистемлар борлиги, эмал эрозиялари бор йўқлиги аниқланди.

Пародонт тўқимаси текширилганда милк ранги, зичлиги, оғрик, шиш борлиги, қонаш, гипертрофия ҳолатларига эътибор берилди. Оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатини бўёвчи сифатида эритрозин таблеткасини қўллаган ҳолган Greene-Vermillion (1964) бўйича гигиена индекси (ОНИ-S) орқали баҳоланди.

Милклар яллиғланиш даражасини Muhlemann - SBI (1971) индекси орқали яъни милклар эгатчаларини зонд билан таъсирлантириш орқали тасдиқладик.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот жараёнида 2 - гуруҳдаги соғлом талабалар томонидан шикоятлар билдирилмаган бўлса 1 - гуруҳдаги катарал гингивит билан оғриган талабалар томонидан баъзан овқатланаётганда, баъзан тишни юваётганда қонаш ҳолатлари борлиги, баъзан оғиздан ёқимсиз хид келиши ҳолатларига шикоят билдирилди. Текширув жараёнида соғлом гуруҳ талабаларининг оғиз бўшлиғи милк қирғоқлари оч пушти рангдалиги, бироз намлиги, зонд билан таъсирлантирилганда қонаш ҳолатлари йўқлиги, милк сўрғичлари ўткир учлиги, ОНИ-S меъёр даражасида эканлиги аниқланган бўлса, 1- гуруҳ талабалари орасида кўрик жараёнида 82 % да шиш, милклар қирғоғи, тишлар ораси сўрғичлари гиперемияси, тиш қирғоқлари чўққисидан қон кетиш, 17 % да тиш тошлари, 7 % да эрталаблари овқат истеъмоли даврида милклар қонаш

ҳолатлари бўйича шикоятлар юзага келди.

Уларда яллиғланиш ва тарқалиш чуқурлиги индекси (РМА) ўртача $18,59 \pm 1,74$, гигиен индекси эса ОНІ-S - $1,49 \pm 0,59$, SBI индекси бўйича қон кетиш $1,19 \pm 0,04$, ни ташкил қилиб милкларда яллиғланиш ривожланганлиги ҳолатини тасдиқлади (жадвал.1)

Жадвал 1

Нормада ва катарал гингивитда (M+m) кўрсаткичлари

Диагноз	РМА	ОНІ - S	SBI
Клиник норма	0	$0,041 \pm 0,005$	0
Катарал гингивит	$18,59 \pm 1,74$	$1,49 \pm 0,059$	$1,19 \pm 0,04$

1-гурӯҳдаги талабаларнинг катарал гингивитдаги гемоциркуляцияси ҳолати лазер доплер флоуметрияда текширувдан ўтказилганда қуйидагилар аниқланди: гемоциркуляциянинг барча параметрлари соғлом пародонтнинг кўрсаткичларига қараганда анча пасайганлиги кузатилди. Капилляр қон айланиш поғонаси соғлом тўқимага қараганда 30% га пасайганлиги аниқланди, КОТ (квадрат оғиш тезлиги) индекси ҳам нормага қараганда 47 % га пасайган, бу эса тўқимада қон айланиши фаоллигининг пасайишидан далолат беради. Соғлом талабалар гуруҳидаги капилляр қон айланиш параметрлари (ПМ) ($16,23 \pm 1,01$) перф. бир.ни ташкил қилди КОТ эса ($1,98 \pm 0,1$) перф. бир. га тенг бўлди. Вариация коэффиценти (Kv) ($11,68 \pm 1,9$) % га тенг.

Катарал ўзгаришлар кузатилган зоналарда кучли микроциркулятор ўзгаришлар кузатилиб, микроциркуляция кўрсаткичи $26,43 \pm 2,2$. КОТ эса - $1,52 \pm 0,12$; вариация коэффиценти ($5,43 \pm 1,23$) %. ЛДФ-сигналлар назорат гуруҳларига нисбатан катарал яллиғланиш кузатилган зоналарда кучлироқ ортган. Жадвал.2.

Катарал гингивитда ЛДФ метрия кўрсаткичлари Жадвал 2.

Кўрсаткичлар	M	G	Kv
III Қон а Қон айланиш параметрлари	$16,23 \pm 1,08$	$1,98 \pm 0,1$	$11,68 \pm 1,9$
II групп Микроциркуляция ҳолати	$26,43 \pm 2,2$	$1,52 \pm 0,12$	$5,43 \pm 1,2$

Цитоморфометрик таҳлиллар шуни кўрсатдики, одатдаги ҳолатларда Деструкция индекси (ДИ) ва яллиғланиш-деструктив индекси (ЯДИ) ўсмирларда катталардагидай бўлиб, ДИ 0 дан 800 гача, ЯДИ 0 дан 20 гача кузатилади, аммо катарал гингивит кузатилган беморларда ЯДИ тарафга силжиш кузатилди. Текширувдаги 20% талабаларда ДИ индекснинг ортиши аниқланди. Шуни таъкидлаш лозимки текширилувчиларнинг асосий қисмида ЯДИ индексининг ортиши кузатилди. Мухтасар қилиб айтганда пародонтнинг яллиғланиши бир текширилувчининг турли зоналарида цитологик картинада яллиғланишнинг турли даражада кечиши билан борди, яъни енгил дастлабки давр ўзгаришлари ва оғир чуқур ўзгаришлар билан.

Экзоген азот оксиди билан 2 ой даволаш курси ўтказилгандан кейин, клиник текширув ўтказилиб қуйидагилар аниқланди. Шиллик қавати оч-пушти рангда, шишиш белгилари йўқ, қонашга бўлган шикоятлар аниқланмади. Гигиена индекси ўзгаришсиз бўлиб унинг кўрсаткичлари ОНІ-S - $1,46 \pm 0,57$, (даволашгача $1,49 \pm 0,59$ бўлган), худди шунингдек РМА индекси ҳам пасайди $16,36 \pm 0,03$ даволашгача (РМА ўртача $18,59 \pm 1,74$.) бўлган.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, катарал гингивит кузатилган талабаларда даволаш мақсадида экзоген азот оксидини қўллаш милк шиллик қаватига ижобий таъсир кўрсатиб, узок муддат таъсирини сақлаб қолиш имкониятига эга эканлиги кузатилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бабаджанов Р.А., Бабаджанов А.Р., Курязов Ш.А. Эффективность листерина к лечению хронического генерализованного катарального гингивита // Журнал Стоматологии и краниофациальных исследований. 2023;1:140.
2. Бабаджанов Р.А., Юлдашев Б.С., Бабаджанов А.Р. изучения хронического генерализованного катарального гингивита с методом лазерной доплеровской флоуметрии у больных применяющих ополаскивателей. //Новый день в медицине 2024;3(65)281-285. // Новый день в медицине 3(65)2024 281-285 <https://newdayworldmedicine.com/en/article/3880>
3. Гречихина Г. А. Беликов П. П. Способ клинической диагностики ранних стадии воспаления пародонта // Актуальные вопросы медицины Тезисы докладов 6-ой научно-практической конференции врачей. Новосибирск 1996;1:370-371.
4. Грудянов А. И. Обследование лиц заболеваниями пародонта // Пародонтология 1998;3:8-12.
5. Гнетова И.В. Стоматологическая заболеваемость и обоснование комплексной профилактики у детей. г. Новосибирска. /Дис ка-д мед наук. Новосибирск 1999;174.

Қабул қилинган сана 20.05.2024